



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020-yil “ 2 ” декабр

Қ-1837 -son

Qumqo'rg'on t.

**Тумандаги “SURXON SARBON”
МЧЖга узумчиликни ривожлантириш
мақсадида қўшимча ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 3 апрелдаги 17-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 3 апрелдаги 17-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Б.Сатторов бошлиқ “SURXON SARBON” МЧЖга узумчиликни ривожлантириш мақсадида қўшимча, “Беш қаҳрамон” массиви “Боғаро” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасининг 528қ-дала контурларида жойлашган жами 1,70 гектар, шундан 1,50 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,10 гектар ариқ, 0,10 гектар йўл ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Бундан кейин “SURXON SARBON” МЧЖнинг “Беш қаҳрамон” массиви “Боғаро” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасида 528қ-дала контурида жойлашган жами ер майдони 3,20 гектар, шундан 3,0 гектар суғориладиган экин ер майдони, 0,10 гектар ариқ, 0,10 гектар йўл ер майдони этиб белгилансин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошевга туман ер балансига ўзгартириш киритиш “SURXON SARBON” МЧЖ ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини қайта расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ҳокимлиги девонхона мудири (Ш.Чориев)га “SURXON SARBON” МЧЖга қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

TO'G'RI
ZBEKISTON RESPUBLIKAS
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR